

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ — ОЛИЙ ҚОНУН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН СОЛ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 165 (12.819).
17 ИЮЛЬ 1964 ИЛ
Ж У М А
Баҳоси 2 тиш.

СССР ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ Қ О Н У Н И

КОЛХОЗЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР ТЎҒРИСИДА

Совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлигида коммунистик қурилишда, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда, аниқсига кейинги ўн йил ичида, жуда катта муваффақиятларга эришди, қудратли, ҳар тарафлама ривожланган иқтисодиётни янги босқичга келтирди. Бу аса Совет давлатининг халқ фазолигини мунтазам равишда ошириб боришига ва унинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тобора тўлиқ қондиришига имкон бермоқда.

Ҳозирги вақтда колхозларда қариллик, инвалидлик пенсиялари, боқувчисидан жудо бўлиб қолганда тўланадиган пенсиялар ҳамда колхоз аъзолари бўлган хотинлар учун ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тайинлаш йўли билан социал-таъминотнинг тагин ҳам барқарор системасини жорий қилиш имконияти мавжуд.

Колхозчиларни пенсия билан таъминлашда текисчилик бўлмаслиги лозим. Колхозчиларнинг меҳнат унумдорлиги нақадар юқори бўлса, колхоз ҳайдадиган ҳар бир гектар ердан нақадар кўп маҳсулот етиштириб, давлатга сотиб турса, унинг даромади ва пенсия фондида берадиган ажратмаларининг миқдори нақадар кўп бўлса, колхозчиларга бериладиган пенсия шу қадар кўп бўлиши лозим. Яхши ишлаган ва ижтимоий ишлаб чиқаришга кўп ҳисса қўшаётган колхозчилар яхшироқ таъминланиши лозим.

Колхозчиларни социал таъминлашнинг давлат системасини ўрнатил колхозчи деҳқонларнинг меҳнат активлигини янада кўтаришига ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши янада кўпайтиришига қаратилган янги муҳим стимул бўлади.

Ушбу қонунда кўзда тутилган пенсияларнинг миқдори кейин, миллий даромад, жумладан колхозларнинг даромадлари ўса борган сари, аста-секин кўпайтирилиб, ишчилар ва хизматчиларга тайинланадиган давлат пенсиялари даражасига етказилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

Модда-1. Колхозларнинг аъзолари қариллик ва инвалидлик пенсиялари олишга ҳақли.

Вафот этган колхозчиларнинг меҳнатга яроқсиз оила аъзолари, агар уларнинг қарамоғида бўлган бўлсалар, боқувчисдан ажралиб қолмиш муносабати билан бериладиган пенсия олишга ҳақлидирлар.

Модда-2. Колхоз аъзолари бўлган хотинлар ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олишга ҳақлидирлар.

Модда-3. Айни бир вақтда турли пенсиялар олишга ҳақли бўлган колхозчиларга ва уларнинг оила аъзоларига ўзларининг таллашлари қараб битта пенсия тайинланади.

Модда-4. Ушбу қонунга мувофиқ, пенсиялар ва нафақалар тўлаш колхозларнинг аъзолари олаётган даромадлардан ҳеч бир чегиртма олимай, колхозларнинг ва давлатнинг маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Модда-5. Пенсияларга солиқ солинмайди.

II.

ПЕНСИЯЛАР

Модда-6. Колхозларнинг аъзоларидан қуйидагилар қариллик пенсияси олишга ҳақли:

Эркаклар — 65 ёшга етганларидан кейин ва камида 25 йил иш стажига эга бўлганларини тақдирда;

Хотинлар — 60 ёшга етганларидан кейин ва камида 20 йил иш стажига эга бўлганларини тақдирда.

Модда-7. Колхозларнинг аъзолари бўлган, беш ёки ундан кўп бола туғиб, бу болаларни сақлаш ёки еттувчи тарбиялаган хотинлар 55 ёшга етганларидан кейин ва камида 15 йил иш стажига эга бўлганларини тақдирда, пенсия олишга ҳақлидирлар.

Модда-8. Колхозларнинг аъзолари қариллик пенсиялари оёига 50 сўмгача бўлган иш ҳақининг 50 проценти миқдоридан, бундан ташқари, қолган иш ҳақининг 25 проценти миқдоридан тайинланади.

Қариллик пенсиясининг минимал миқдори оёига 12 сўм қилиб белгиланади.

Қариллик пенсиясининг максимал миқдори оёига 102 сўм қилиб

белгиланади, яъни қишлоқ жойларида доимий яшаб турган ва қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлган ишчилар ва хизматчилар учун давлат пенсияларини тайинлаш тўғрисидаги Қонунда кўзда тутилган қариллик пенсиясининг максимал миқдори даражасида белгиланади.

Модда-9. Колхозларнинг аъзолари I ёки II группа инвалид бўлиб қолганлари тақдирда инвалидлик пенсияси олишга ҳақлидирлар.

Модда-10. Колхозларнинг аъзолари меҳнат қилиб турганларидан майиб бўлиб қолганлари ёки профессионал касаллик сабаби билан инвалид бўлиб қолсалар, уларга инвалидлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Колхозларнинг аъзолари умумий касалликка учраб қолганликлари ёки ишга алоқаси бўлмаган ҳолда майиб бўлиб қолганликлари натижасида инвалид бўлиб қолсалар, уларга инвалидлик пенсиялари пенсия беришни сўраб мурожаат қилган вақтларида иш стажлари қуйидагича бўлганида тайинланади.

Иш стажы (йил ҳисобида)		Эркаклар		Хотинлар	
Е ш и					
20 ёшга етгуча	1	1	1	1	1
20 ёшдан 23 ёшга етгуча	2	2	2	2	2
23 ёшдан 26 ёшга етгуча	3	3	3	3	3
26 ёшдан 31 ёшга етгуча	5	5	5	5	5
31 ёшдан 36 ёшга етгуча	7	7	7	7	7
36 ёшдан 41 ёшга етгуча	10	10	10	10	10
41 ёшдан 46 ёшга етгуча	12	12	12	12	12
46 ёшдан 51 ёшга етгуча	14	14	14	14	14
51 ёшдан 56 ёшга етгуча	16	16	16	16	16
56 ёшдан 61 ёшга етгуча	18	18	18	18	18
61 ёш ва ундан каттароқларга	20	20	20	20	20

Модда-11. Колхозларнинг аъзоларига инвалидлик пенсиялари қуйидаги миқдорда тайинланади:

I группа инвалидларга 50 сўмгача бўлган ойлик иш ҳақидан 50 процент ва, бундан ташқари, қолган иш ҳақининг 25 проценти.

II группа инвалидларга 50 сўмгача бўлган ойлик иш ҳақидан 40 процент ва бундан ташқари, қолган иш ҳақининг 25 проценти.

Пенсияларнинг минимал миқдори: I группа инвалидлик бўйича оёига 15 сўм, II группа инвалидлик бўйича оёига 12 сўм тайинланади.

Меҳнатда майиб бўлиб қолганлик ёки профессионал касаллик натижасида инвалид бўлиб қолган қишлоқ жойларида юқорида белгиланган нормалар юзасидан ҳисоблаб тайинланган пенсиялар (шу жумладан минимал пенсиялар ҳам) 20 процент оширилади.

Инвалидлик пенсияларининг максимал миқдори қишлоқ жойларида доимий яшаб турган ва қишлоқ хўжалиги билан алоқадор ишчилар ва хизматчилар учун давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонунда кўзда тутилган инвалидлик пенсияларининг максимал миқдори даражасида белгиланади.

Модда-12. Вафот этган колхозчининг қарамоғида бўлган меҳнатга яроқсиз оила аъзолари боқувчисдан ажралиш муносабати билан бериладиган пенсия олишга ҳақлидирлар.

Оиланинг қуйидаги аъзолари меҳнатга яроқсиз деб ҳисобланади:

1) 16 ёшга (ўқувчилар — 18 ёшга) етмаган болалар, укалар, сингиллар ва набиралар ёки еши шу ёшдан ошиб кетган болалар, укалар, сингиллар ва набиралар, агар улар 16 ёшга (ўқувчилар — 18 ёшга) етмай туриб I ёки II группа инвалид бўлиб қолган бўлсалар, бунда укалар, сингиллар ва набираларнинг меҳнатга яроқли ота-оналари бўлмаслиги шарт;

2) ота, она, хотин, эр, агар улар: эркаклар 65 ёшга, хотинлар 60 ёшга етган бўлсалар ёхуд I ёки II группа инвалид бўлсалар;

3) бобо ва буви, агар бобо 65 ёшга ёки буви 60 ёшга етган бўлса, ёхуд I ёки II группа инвалид бўлсалар, ҳамда уларнинг қонун бўйича боқилиш лозим бўлган қишлоқ жойларида бўлмаса.

Вафот этган кишининг қарамоғида бўлмаган болалари ва меҳнатга яроқсиз ота-оналари кейинчалик ўзларини боқиб турган манбаидаги йўқотганларини тақдирда, боқувчисдан ажралиш муносабати билан бериладиган пенсия олишга ҳақлидирлар.

Қонуний тартибда ота-бобо ёки она-бобо тутилган қишлоқ жойларидаги оталари ёки оналари ўзларининг туғилган оталари ёки оналари касби, болалари эса ўзларининг туққан болалари каби пенсия олишга ҳақлидирлар.

(Давоми кикичи бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ» ЮБИЛЕЙ ЗНАЧОГИ

Юбилей тантанаси қўнралида ҳар биримиз кичкина бўлса ҳам, лекин республика меҳнаткашларининг шонли байрамидан яхши хонинг бўлиб қолдиган қўнрама значокни қўнуч билан кўксимизга тақамиз. Бу значок юбилейга атаб чиниладиган бўюм ва совғаларга, шонли юрти билан бағишланган китобларга эмблема шаклида зийнат бўлади.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги» юбилей значоқининг эскизи тасвирланди. У уч хил — қизил, сарғи ва оқ рангли эмалдан ясаланади.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ
ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ
ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

Уртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетига иш билан банд бўлганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озоод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг
Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг
Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1964 йил 15 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

УРТОҚ А. И. МИКОЯННИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ
ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

Уртоқ Анастас Иванович Микоян СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг
Ўринбосари И. ШАРИПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг
Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1964 йил 15 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

УРТОҚ А. И. МИКОЯННИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ
РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН
ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

Уртоқ Анастас Иванович Микоян СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги муносабати билан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озоод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг
Ўринбосари И. ШАРИПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг
Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1964 йил 15 июль.

МОРИС ТОРЕЗ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Француз ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Совет Иттифоқининг дўсти Морис Торез хотирасини абадийлаштириш мақсадида КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қарор қилди:

— Украина ССР Донецк об-ластидagi Чистаково шаҳрининг номи ўзгартирилиб, унга Морис Торез номи берилсин;

— Москвадаги биринчи Чет тиллар Давлат педагогика институтининг техникумлардан бири Морис Торез номига қўйилсин.

— Қурилаётган лайнерлардан бирига Морис Торез номи берилсин;

— Украина ССР Донецк об-ластидagi Чистаково шаҳрининг номи ўзгартирилиб, унга Торез номи берилсин;

— Москва шаҳри, Москва дарё-си бўйидаги София кўчасининг

«КОСМОС-35» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1964 йил 15 июлда Совет Итти-фонда Ернинг навобдаги «Кос-мос-35» сунъий йўлдоши учирил-ди.

Бу йўлдошда ўрнатилган илмий апаратлар 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космос фазоси тадқи-қи қилини давом эттирди.

Йўлдош параметрлари қуйидаги-ча бўлган орбитага чиқарилди:

— Ер атрофини дастлабки ай-ланб қилиш даври 89,2 минут;

— Ер юзасидан энг узоқлашган масофаси (апогей) — 268 кило-метр;

— Ер юзасига энг яқин масофа-си (перигей) — 217 километр;

Орбитанинг эватор сатҳига оғиш бурчаги — 51 градус 18 ми-нут.

Йўлдошда илмий апаратлардан ташқари яна:

— 19,996 мегагерц частотада ишлайдиган радиопередатчик;

— Орбита элементларини аниқ-улаб берадиган радиосистема;

— Асбоблар ва илмий апарат-ларнинг иши тўғрисидаги маълу-мотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрич система бор.

Йўлдошга ўрнатилган апарат-лар нормал ишлаб турибди.

Йўлдошдан олинаётган маълу-мотларни координация-ҳисоблаш маркази ишлаб чиқмоқда.

Руминия Ишчи партияси делегацияси ватанига жўнаб кетди

Дўстлик визити билан Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб турган Руминия Ишчи партияси делегацияси 15 июлда Москвадан ўз ватанига жўнаб кетди.

Внуково аэропортда Руминия Ишчи партияси делегациясини Н. С. Хрущев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорный, Ю. В. Андропов, М. А. Лесечко ўроқлар, КПСС Марказий Комитетининг масъуа ходимлари қузаб қолдилар.

Қузаб қолувчилар орасида Руминия Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидagi элчиси Николас Гутинэ ва элчихона ходимлари ҳам бор эди.

Замна ФРОНТИДА

Ўзбекистон ССР областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида
1964 йил 16 июлда

МАЪЛУМОТ

(Маълумотнинг нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Маъсумда	Бир кунда
Қашқадарё	92,5	3,3
Сирдарё	92,4	4,3
Андижон	67,5	2,1
Фарғона	59,1	0,9
Сурхондарё	56,7	1,4
Тошкент	55,2	3,4
Бухоро	52,5	3,4
Самарқанд	44,2	3,1
Хоразм	3,5	0,1

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қ О Н У Н И

МАОРИФ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК, САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАМДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АХОЛИГА БЕВОСИТА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИДАГИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Программасида социал-маданий қурилиш соҳасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, ўқитувчиларнинг, соғлиқни сақлаш, маданият ходимларининг ҳамда халқ хўжалигининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқларидаги ходимларнинг моддий фароғлигини янада ошириш мақсадида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

Модда-1. Маориф, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалик, савдо ва умумий овқатланиш ходимларининг ҳамда халқ хўжалигининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқларидаги ходимларнинг иш ҳақини ошириш юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети ишлаб чиққан, халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларидаги ходимлар иш ҳақини ошириш ва тартибга солиш борасида қилинган ишларнинг давомий бўлган тадбирлар маъқуллансин.

Модда-2. Ушбу қонуннинг биринчи моддасида кўрсатилган халқ хўжалиги тармоқларидаги ходимларнинг иш ҳақини ўрта ҳисобда 21 процент ошириш, шу жумладан маориф ходимларининг иш ҳақини ўрта ҳисобда 25 процент, соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ўрта ҳисобда 23 процент, савдо ва умумий овқатланиш ходимларининг иш ҳақини ўрта ҳисобда 18 процент ҳамда уй-жой-коммунал хўжалик ходимларининг иш ҳақини ўрта ҳисобда 15 процент кўпайтириш 1964—1965 йилларда амалга оширилсин.

Модда-3. Халқ хўжалигининг ушбу қонунда кўрсатилган тармоқларидаги ходимлар иш ҳақини ошириш билан бир вақтда ишчи ва хизматчилар учун иш ҳақининг минимал миқдорини кўпайтириб, оёига 40-45 сўмга етказиш ҳамма жойда тўғатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 1964 йил 15 июль.



Анастас Иванович МИКОЯН — СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Анастас Иванович МИКОЯН

Анастас Иванович Микоян 1895 йил 25 ноябрда Арманистондаги Олаверди районининг Санани қишлоғида дурдодор ишчи оила-сида туғилди. Миллати арман. Ўрта маълумотли (Тбилисидagi арман диний семинариясини тамомлаган).

1915 йилда Коммунистик партия сафига кирди. Улуғ Октябр социалистик революциясининг аъвои иштирокчиси.

1917—1920 йилларда Эммануэль Бонч-Бруевич таъинишлари-нинг ишда ва Озарбайжонда Совет ҳокимиятини ўрнатилда фаол қатнашди. Бору партия комитети бюросининг аъзоси, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси бўлди.

Партия Марказий Комитети 1920 йилда А. И. Микоянни гу-берия партия таъинишоти раҳбарлик қилмоқ учун Нижний Новго-рода (ҳозирги Горький шаҳри), 1922 йил кўламида аса Ростов-Дон шаҳрига юборди. У, бу шаҳарда дастлаб Марказий Комитет Шар-қи-Жанубий бюросининг секретари бўлди, сўнгра аса (1926 йилгача) Шимолий Кавказ ўлка партия комитетининг секретари бўлиб ишлади.

А. И. Микоян 1926 йилдан бошлаб Москвада ишлади, 1926 йилдан тортиб 1930 йилгача СССР ташқи ва ички ишда халқ комис-сари, 1930 йилдан бошлаб СССР таъминот халқ комиссари, 1934 йилдан тортиб 1938 йилгача СССР озиқ-овқат саноати халқ комис-сари вазонимларида ишлади.

А. И. Микоян 1937 йилдан 1946 йилгача СССР Халқ Комис-сарлари Совети Раисининг ўринбосари ва айни вақтда (1938 йилдан тортиб 1946 йил мартгача) СССР ташқи савдо халқ комиссари бўлди. 1946 йилдан бошлаб СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, айни вақтда (1946 йилдан тортиб 1949 йилгача) СССР ташқи савдо министри ва (1953 йилдан бошлаб) СССР савдо минис-три, 1955 йилдан бошлаб СССР Министрлар Совети Раисининг би-ринчи ўринбосаридир.

А. И. Микоян 1922 йилда РКП(б) Марказий Комитети аъзоли-гига кандидат, 1923 йилда аса Марказий Комитет аъзоси қилиб сай-ланади. 1926 йилдан ВКП(б) Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолигига кандидат, 1935 йилдан бошлаб ВКП(б) Марказий Ко-митети Сийсий бюросининг аъзоси, 1952 йилдан КПСС Марказий Ко-митети Президиумининг аъзоси, 1919 йилдан буён Бутун Россия Марказий Икросия Комитети составига, сўнгра аса СССР Марказий Икросия Комитети составига сайланиб келди.

А. И. Микоян 1937 йилдан буён ҳамма қаҳриқарда

КОЛХОЗЛАРНИНГ АЪЗОЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН

(Боши биринчи бетда).

ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ҳомиладорлик ва туғиш отпускеси туғишдан олдин 56 календарь куни миқдорда ва туғишдан кейин 56 календарь куни миқдорда, туғиш нормал бўлмаган ёки икки ёхуд ундан кўпроқ бола туғилган тақдирда эса туғишдан кейин 70 календарь куни миқдорда берилади.

Модда-19. Колхозларнинг аъзолари бўлган хотинларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари ишчи ва хизматчи хотинлар учун белгиланган нафақаларни тайинлаш тартибида ва нормалари бўйича белгиланади.

IV.

ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР ТЎЛАШ УЧУН МАБЛАҒЛАР

Модда-20. Ушбу Қонунда кўрсатилган пенсиялар ва нафақалар тўламоқ учун колхозларнинг даромадларидан ажратиб бериладиган маблағлар ҳамда СССР Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобидан колхозчиларни социал жиҳатдан таъминловчи марказлаштирилган иттифоқ фонди ташкил этилади.

Модда-21. 1964 йилдан бошлаб ҳамма колхозлар колхозчиларни социал таъминлашнинг марказлаштирилган иттифоқ фондига СССР Министрлар Совети белгиланган берган миқдорда пул ажратиб берадилар.

Колхозчиларни социал таъминловчи марказлаштирилган иттифоқ фондига ажратиб берилиши лозим бўлган маблағлар колхозларга даромад солиғи солиш вақтида уларнинг даромадларидан чиқариб юборилади.

V.

АКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

Модда-22. Ушбу Қонунда белгиланган пенсиялар миқдоридан ошқ бўлган миқдорда колхозчиларга пенсиялар тўлаётган колхозлар пенсияларнинг шу миқдорини колхоз маблағлари ҳисобидан қўшиб тўлаш йўли билан сақлаб қолишлари мумкин.

Модда-23. СССР Министрлар Советига ушбу Қонунга асосланиб: 1) Колхозларнинг аъзоларига пенсиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида; 2) Колхозларнинг аъзолари бўлган хотинларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида; 3) Колхозчиларни социал таъминловчи марказлаштирилган иттифоқ фонди тўғрисида Низом напш этиш топширилиши.

Колхознинг аъзоларига пенсиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда, жумладан: Мамлакатнинг бошқа районларидагига қараганда колхозлар кейинроқ тузилган республикалар ва областлардаги колхозларнинг аъзоларига;

колхозларга коллективлаштиришнинг биринчи йилларида кирган, лекин кесалидиги ёки инвалидлиги сабабли, пенсия тайинлашнинг учун зарур иш стажы бўлмаган ҳолда, колхозда ишлашни тўхтатган колхоз аъзоларига пенсиялар тайинлаш шартлари қўзда тутилсин.

Модда-24. Ушбу Қонун 1965 йил 1 январдан бошлаб қучга киради.

СССР Олий Совети Президиумининг

Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг

Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1964 йил 15 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

КОЛХОЗ АЪЗОЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР ТЎҒРИСИДА ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИТТИФОҚ ПЕНСИЯ ФОНДИГА КОЛХОЗЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИДАН МАБЛАҒ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ МИҚДОРИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАКЛИФЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН СССР ОЛИЙ СОВЕТИ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

1. Колхоз аъзоларига бериладиган пенсиялар ва нафақалар тўғрисида Қонун қабул қилиниши муносабати билан марказлаштирилган иттифоқ пенсия фондига колхоз даромадларидан маблағ ажратиш тартиби ва унинг миқдори тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш учун СССР Олий Совети Комиссияси тузилиши.

2. Комиссия составига қуйидаги депутатлар сайланиши:

Комиссия раиси
Воробей Георгий Иванович — Краснодар ўлкаси, Лабинск сарайов округидан депутат.

Комиссия аъзолари:
Беданов Аскерби Каспиевич — Адигея автоном области, Кошехабль сарайов округидан депутат.

Беккер Александр Александрович — Олтой ўлкаси, Рубцовск сарайов округидан депутат.

Бочкарев Александр Панкратович — Саратов области, Саратов қишлоқ сарайов округидан депутат.

Бузинский Александр Григорьевич — Киев области, Богуславский сарайов округидан депутат.

Буркацкий Галина Евгеньевна — Украина ССР, Черкасск сарайов округидан депутат.

Волков Александр Петрович — Ажария АССР, Батуми — Ленин сарайов округидан депутат.

Володин Борис Михайлович — Қорачай-Черкесия автоном области, Зеленчук сарайов округидан депутат.

Гарбузов Василий Федорович — РСФСР, Уфа сарайов округидан депутат.

Головацкий Николай Никитич — Олмаота области, Толдикүрган шаҳар сарайов округидан депутат.

Горючев Федор Степанович — Новосибирск области, Новосибирск қишлоқ сарайов округидан депутат.

Горшков Аним Васильевич — Владимир области, Гусь-Хрустальный сарайов округидан депутат.

Гравчев Василий Васильевич — Курск области, Дмитров сарайов округидан депутат.

Дюдина Александр Филиппович — Молдавия ССР, Фалешти сарайов округидан депутат.

Заринова Нинарамо — Тожикистон ССР, Пархор сарайов округидан депутат.

Кавун Василий Михайлович — Винница области, Бершад сарайов округидан депутат.

Комаров Василий Григорьевич — Полтава области, Решетов сарайов округидан депутат.

Конотоп Василий Иванович — Москва области, Егорьевск сарайов округидан депутат.

Кочиян Антон Еранович — Арманистон ССР, Севан сарайов округидан депутат.

Кулаков Федор Давидович — Ставрополь ўлкаси, Изобильненск сарайов округидан депутат.

Лавренко Николай Григорьевич — Амур области, Белогорск сарайов округидан депутат.

Личук Юстин Тодорович — Украина ССР, Станицаевск сарайов округидан депутат.

Лобанов Владимир Елисеевич — Белоруссия ССР, Гаубонский сарайов округидан депутат.

Лукьяненко Екатерина Денисовна — Красноярск ўлкаси, Уяр сарайов округидан депутат.

Мажнев Валентина — Ага Бурят миллий округи, Ага Бурят сарайов округидан депутат.

Мамедов Нусрат Худу Угли — Озарбайжон ССР, Масали сарайов округидан депутат.

Мельник Григорий Андреевич — Челябинск области, Ленин сарайов округидан депутат.

Монашев Леонид Гаврилович — Курск области, Шостковский сарайов округидан депутат.

Овечков Балшиш — Туркменистон ССР, Ашхобат сарайов округидан депутат.

Орловский Кирилл Прокофьевич — Могилев области, Бобруйск сарайов округидан депутат.

Поситный Макар Анисимович — Одесса области, Раздельнянский сарайов округидан депутат.

Проспирова Домна Ивановна — Волгоград области, Калачевск сарайов округидан депутат.

Расулов Жабор — Тожикистон ССР, Қўрғонтепа сарайов округидан депутат.

Рубен Виталий Петрович — Латвия ССР, Цесис сарайов округидан депутат.

Саровский Владимир Иванович — Коми АССР, Печора сарайов округидан депутат.

Тарчоков Камбулат Кикуевич — Кабарда-Балкария АССР, Майский сарайов округидан депутат.

Третьяков Трофим Кириллович — Краснодар ўлкаси, Тимашевский сарайов округидан депутат.

Тупик Лидия Петровна — Белоруссия ССР, Лидск сарайов округидан депутат.

Тюниет Зафар Густавович — Эстония ССР, Пярну қишлоқ сарайов округидан депутат.

Турсункулов Хамрокул — Ўзбекистон ССР, Калинин сарайов округидан депутат.

Умахов Мухаммадсало Ибисович — Дагестон АССР, Дербент сарайов округидан депутат.

Усубалиев Турдаку Усубалиевич — Қирғизистон ССР, Ўш сарайов округидан депутат.

Хилькевич Валентина Григорьевна — Владимир области, Александров сарайов округидан депутат.

Хусанов Отакул — Самарқанд области, Каттақўрғон сарайов округидан депутат.

Чепулис Повилас-Юргис Ионович — Литва ССР, Биржай сарайов округидан депутат.

Чхидзе Татьяна Несторовна — Грузия ССР, Махарадзе сарайов округидан депутат.

Шинкевич Василий Иванович — Олтой ўлкаси, Благоевченск сарайов округидан депутат.

Штирбу Александр Константинович — Молдавия ССР, Единци сарайов округидан депутат.

Шумкин Александр Павлович — Ульяновск области, Новоспасск сарайов округидан депутат.

Юсупов Топчибой — Қирғизистон ССР, Қорасу сарайов округидан депутат.

Юте Иоханнес Янович — Эстония ССР, Пильвас сарайов округидан депутат.

Яранцева Нина Евгеньевна — Киров области, Яранск сарайов округидан депутат.

СССР Олий Совети Президиумининг

Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг

Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1964 йил 15 июль.

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ—ОЛИЙ ҚОНУН

Шу қуларда бутун мамлакатнинг эътибори олтинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтган қадимий Кремлга қаради.

Ўрток Н. С. Хрущевнинг «НПСС Программасини халқ фаровонлигини ошириш соҳасида бажариш чоралари тўғрисида»ги докладда ҳам, депутатларнинг нутқларида ҳам гўш зўр куч билан таъкидлаб ўтганидек, халқнинг бахт-саодати тўғрисида ҳамхўрлик

қилиш Коммунистик партиянинг олий қонунидир. Коммунизм инсонлар учун барпо қилинади, бибобари, инсоннинг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш партиянинг асосий вазифаларидан биридир.

Совет парламентининг депутатлари партиянинг улғу ленинча Программаси муваффақиятлар амалга ошириладиганлиги тўғрисида зўр мамнуният билан гапирдилар.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Иттифоқ Советининг мажлиси Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат Т. У. Усубалиевнинг нутқи билан бошланди. КПСС Программаси, деди у, Совет Иттифоқига ҳар қандай капиталистик мамлакатга нисбатан энг юксак турмуш даражаси бўлишини таъминлашдан иборат жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга вазифани қўйди. Бизнинг партиямиз, унинг ўрток Н. С. Хрущев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети ана шу буюк вазифани бажариш учун сарф-матонат ва изчиллик билан қурб олиб бормоқдалар.

Колхоз аъзоларини пенсия билан таъминлаш, маориф, соғлиқни сақлаш хизматлари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа бозин тармоқлар хизматларининг иш ҳақини ошириш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш учун Совет мамлакат тарғибиётининг бутун бориши билан вақтин таъйинланди, бу тадбирлар ҳар томонлама ривож топган қудратли социалистик экономикага асосланган.

Хозирги вақтда бошқа иттифоқ республикаларида бўлгани каби, Қирғизистонда ҳам қишлоқ хўжалиқ артелларининг кеска ва меҳнатга қобилиятсиз колхозчиларига берилаётган ердам хозирча унча кўп эмас, бу ердам мунтазам суратда кўрсатилаётган ва пенсия ешига етган барча колхозчиларга нисбатан жорий қилинаётган. Янги қонун бу намчиликларга барҳам беради.

Краснодар ўлкасидаги Киров номи колхознинг раиси депутат Т. К. Третьяков қуйидагиларни айтди:

— Колхознинг аъзолари бундан 10 йил муқаддам пенсия таъминотини хавфларига ҳам келтира олмаг эдилар, эндиликда ана шу ҳаётимиз муҳим масала бутун мамлакат миқёсида муҳомама қилинмоқда.

Кейинги вақтларда қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришида жуда катта ўзгаришлар бўй берди. Бу ўзгаришлар колхоз ва совхозларнинг экономикасини юксалтириш учун таъминотни қондириш, Икки билан муқаддат ўтганидан кейин барча колхозлар аъзоларини пенсия таъминоти учун ўзларидан тегишли ҳиссани тўла топшириб туришлари керак.

Ўрток Горшков колхозчиларни пенсия билан таъминлаш уларни умумироқ меҳнат қилишга, ишлаб чиқариш даражасини кўтариш

Кремлга мамлакатимизнинг ҳамма қисмида, совет кишиларидан жуда кўп хат ва телеграммалар келиб турибди. Совет кишилари бу хат ва телеграммаларда жонажон Коммунистик партиянинг исебасини қизғин маъқуллайдилар.

15 июль эрталаб СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг алоҳида-алоҳида ўтказилган мажлисларида Ўрток Н. С. Хрущевнинг докладыни муҳомама қилиш давом этди.

Курск области, Дмитриев ишлаб чиқариш бозорчаси Калиновск қишлоғидаги колхоз раиси депутат В. Б. Гравчев бундай деди:

— Хозирги вақтда колхозчиларга пенсия бериш тўғрисидаги масала бутун давлат миқёсида ҳал этилаётганлиги гўш қувончларидир. Бу — колхозларимизнинг, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ўсганлигини исбот қилади.

Сўнгра ўрток Гравчев айтдики, колхозларнинг умумиттифоқ марказлаштирилган пенсия фондига қўшадиган ҳиссалари бир хил миқдорда бўлмайдилар. Илгор артеллар қолоқ хўжаликларнинг колхозчиларини маълум даражада ўз қарамоқчилига оладилар. Бунда шундай савол турлади: бундай аҳвол узоқ давом этиши мумкинми, бир қанча қолоқ колхозларда пенсия бериш қолиқти учун нафақа тўлаш шовд хўжалик ходимларини рағбатлантириш бўлиб қолмайдими?

Депутат Гравчевнинг фикрича, бирор муқаддат, аҳтимол, 2-3 йиллик муқаддат белгилашга тўғри келар. Қолоқ колхозларнинг аъзоларини оғохлантириб ўттиш керакми, агар улар шу муқаддат ичнда жамоат хў

жалигини юксалтирмасалар ва, бибобари, пенсия фондига ажратиладиган маблағларни қўлайтирмасалар, у ҳолда пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолтирмасалар мумкин ёки колхозчиларнинг пенсия фондига ажратган маблағлари даражасига қараб пенсия оладилар?

Эндиликда, деди ўрток Гравчев, у ёки бу колхознинг ордада қолтиш учун ҳеч қандай объектив сабаблар йўқ, ҳар бир хўжалик қолоқлигига барҳам бера олади ва бериши лозим.

Туркменистон ССР аҳолиси, дейди Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат В. Овезов, — республиканинг ва Туркменистон Компартиясининг 40 йиллигини муносив кутиб олишга тайёралимоқда.

Бу йилги шу йил октябр ойида ишониланганда, Туркман халқи партиянинг ленинча миллди сиваси туйғулди улғу рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа ҳамма халқларнинг қардошларга ердами натижасида қолоқлик ва жаҳолатга жуда қисқа вақт ичнда барҳам бериб, коммунизмнинг кенг йўлига чиқа олди.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

КПСС Чувашистон области комитетининг биринчи секретари депутат С. М. Ислюков Миллатлар Советида музокараларни бошлаб берди. У айтдики, партия ва ҳукуматнинг колхозчиларга пенсия таъминоти бериш ва меҳнатнашларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақини ошириш соҳасидаги тадбирлари халқлар қардошларча дўстлиги, социалистик интернационализм улғу принципларини акс эттирди.

Депутат колхозчиларга пенсия таъминоти бериш ағона систематини жорий қилиш катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапириб бундай деди: Эндиликда колхознинг соф вивдон билан ишловчи ҳар бир меҳнатқили депутат йўтотган тақдирда меҳнат фарағатининг муқтаҳам манбаи билан таъминлашига бемавло ишона олади.

Барча совет кишилари, деди ноти, маориф, соғлиқни сақлаш хизматлари ва хўжалиқнинг аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар хизматлари иш ҳақини ошириш хизматлари ҳам чин қўйилган таъминоти билан таъминлашга қараб бериш лозим. Бу ҳар қанча тармоқларда ҳам хўжалиқнинг аҳолига хизмат кўрсатувчи хизматлари ҳам таъминоти билан таъминлашга қараб бериш лозим. Бу ҳар қанча тармоқларда ҳам хўжалиқнинг аҳолига хизмат кўрсатувчи хизматлари ҳам таъминоти билан таъминлашга қараб бериш лозим.

Депутат Т. И. Гаюти колхозчиларга пенсия ва нафақалар бериш тўғрисидаги маориф, соғлиқни сақлаш хизматлари ҳамда халқ хўжалиқидиган бошқа бир қанча тармоқлар хизматларининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қизғин қўллаб-қувватлади. Ўрток Глоути Грузия ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги врачлар малакасини ошириш институти кафедрасининг мудири

дир. У ўз республикасида мисол келтириб, бизнинг мамлакатимизда аҳолига медицина хизматини яхшилаш учун кўп иш қилинаётганлиги кўрсатиб берди. Масалан, хозирги вақтда Грузияда 14 мингдан кўпроқ врач ва 33 мингдан кўпроқ ўрта маълумотли медицина ходими ишлаб турибди.

Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларда қўлгина касалхона ва шифохоналар очилди.

Маориф, соғлиқни сақлаш хизматлари ва халқ хўжалиқининг бошқа бир қанча тармоқларидаги хизматлари иш ҳақини ошириш, деб таъкидлади ўрток Глоути, партия ва ҳукуматнинг совет кишилари тўғрисида кўрсатилган ҳамхўрлигини ифодасидир.

Ленин номи колхознинг раиси депутат А. К. Беданов (Адигея автоном области) области қишлоқ хўжалиқидиган ишлаб чиқарувчи кучлар тез ўсиб бораётганлиги ҳақида гапирди. У айтдики, Ленин номи колхозининг жамоат хўжалиқи ривожланиши билан бирга пўл даромадлари ҳам кўпайиб бормоқда. Колхознинг пўл даромадлари 1958 йилдаги 400 минг сўмдан ўтган йил 900 минг сўмга етди. Бу йил колхознинг пўл даромади қариб 1 миллион 200 минг сўм бўлди. Бу эса колхозчиларнинг моддий-маиший таъминотини улғусиз яхшилаш имконини беради.

Колхоз қишлоғи меҳнатқиларига пенсиялар белгиланиши социалистик тузумнинг ҳаётиёш кучи ва қудратини акс эттирди. Колхоз аъзоларини пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг муҳим ҳусусиятларидан бири шунки, дейди депутат, бу қонун ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантиришга, кишиларнинг колхоз ишлаб чиқаришидан манфаатдорлигини оширишга ҳам ердам беради.

Туркменистон эндиликда ёппасига саводхоналар республикасида. Республика мантабларида 20 мингга яқин ўқитувчи ишлаб турибди. Туркменистонда врач бўлмаган бирор жой ҳам йўқ.

Туркменистон меҳнатқиларига, дейди ўрток Овезов, колхоз аъзоларига пенсия таъминоти берилишини, халқ хўжалиқининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи тармоқлари ходимлари иш ҳақини оширилишини зўр мамнуният билан кутиб оладилар.

Мажлисда депутатлардан — Новгород области касалхонасининг врач Г. В. Кафтанников, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари П. М. Елистратов, Молдавия ССРдаги «Гигант» колхозининг раиси Д. Х. Рахматулов, Латвия ССРдаги «Земгале» колхозининг бригада бошлиғи Х. Я. Гаудейлар ҳам сўзга чиқдилар. Буларнинг ҳаммаси сессия муҳомамасига тақдим этилган қонун лойиҳаларини қизғин маъқулладилар ва бу лойиҳаларни қабул қилишни тақкиф этдилар.

Шу билан Иттифоқ Советининг мажлиси тамом бўлди.

«КПСС XXII съезди» колхозни раиси, депутат У. Н. Зайнаев

(Бошқирдистон АССР) қуйидагиларни таъкидлайди:

— КПСС Марказий Комитетининг сентябр Пленумидан кейин совет қишлоғида рўй берган жуда катта ўзгаришлар туйғулди колхозчи деҳқонларнинг социал таъминоти зоясидадан барбарор систематини жорий қилиш имконияти туғилди.

Ўрток Зайнаев колхоз аъзоларига пенсия белгилашда текисчиликка йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, 20-25 йил ва бундан ҳам кўпроқ вақт ишлаган меҳнатқиларлар ҳамда қардошларга кўпроқ пенсия тайинлаш керак. Депутат қонун лойиҳасида колхоз аъзоси бўлган ва беш болали ёки бундан ҳам кўпроқ болали туғиб, ўн саккиз ёшгача тарбиялаб ўстирган аёлларга пенсия тайинлашда имтиёз бериш ҳуқуқини белгилловчи моддани жуда оқилона тадбир деб ҳисоблайди.

Нотиқнинг фикрича, колхозчиларни пенсия билан таъминлаш ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш лозим. Шу муносабат билан социал таъминот органлари ва хизматларнинг роли ва жаовбарлиги янада оширилиши керак.

Украина ССР социал-таъминот министр, депутат А. Ф. Федоров ўз нотиқда колхоз аъзоларига пенсия ва нафақалар бериш тўғрисидаги Қонун СССР Олий Совети Томиондан қабул қилинганлигидан кейин, бу Қонунни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларга тўхталди ўтди. Унинг фикрича, колхозчиларнинг меҳнат стажини белгилаш соҳасида кўп иш қилимқо керак. Бунинг учун ҳар бир колхозда жамоатчилик асосларида маҳсус комиссиялар тузишга тўғри келур. Нотиқ колхозчиларни янада меҳнат дафтарчасини жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

(Охири олдичи бетда).

ЗАФАРИНГИЗ МУБОРАК, ҒАЛЛАКОРЛАР!

Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. САТТОРОВ ва
Партия комитетининг секретари ўртоқ Ф. ИБРОХИМОВ ва
Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Н. ХАЙДАРОВ ва

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Жиззах ишлаб чиқариш бошқармаси совхозлари ишчиларига, колхозчиларига, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларига, ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Усельхозтехника» бирлашмаси ходимларига, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, барча меҳнаткашларига катта меҳнат ғалабаси — давлатда дон сотиш социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари билан қизғин табриклайди.

Ватан омборларига 3 миллион 300 минг пуд ёни 1963 йилдаги 1 миллион 200 минг пуд қўн дон тўқиди.

Қабул пунктига 1 миллион 311 минг пуд дон етказиб берган «Ударник», 640 минг пуд дон топишган «Зоя», 579 минг пуд дон етказиб берган «Қизил чорва» совхозларининг меҳнаткорлари, ишчилари ва мутахассислари Ўзбекистоннинг катта дон хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

«Ударник» совхозидан Абдулгани Илҳамов, Оқдот Хайитов, 76-от заводида Отабоб Қўшбоқов ўртоқлар бошлиқ ва бошқа кўпгина комсомол-ёшлар бригадалари ташкилдан 45-46 центнердан дон олиб, Ватанин муз ҳосил билан хурсанд қилдилар. Булар ҳозир таърифий эъланган мажбуриятининг ҳар гектаридан 50-60 центнердан дон олиш учун курашаётганлар.

Кўпгина тракторчилар, комбайнчилар, шоферлар ва бошқа ходимлар чинакам меҳнат намунасини кўрсатмоқдалар. «Ударник» совхозидан комбайнчи Анафиса Гофуров

ва Дмитрий Рудов 810—860 гектардан ердаги ғаллани ўраб олдилар. Навоий номили колхоздан Анвар Далиев ҳамда Энгельс номили колхоздан Аваз Анорбоев 400—600 гектардан майдондаги ғаллани ўриб-ёғиб бердилар.

Жиззах ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб давлатга яна 1 миллион пуд дон топиришга аҳд қилдилар.

Бошқарма чорвалорлари ҳам ишлаб чиқаришда катта ғалабага эришдилар. Қорақўл тери топириш юзасидан олтинга мажбурий, шунингдек гўшт, сут ва тухум тайёрлаш ярим йиллик топириқлари мuddатидан илгари бажарилиди. Бошқарма пиллачилари пилла топириш юзасидан олган мажбуриятларини ошириб адо этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Жиззах ишлаб чиқариш бошқармаси совхозларининг ишчилари, колхозчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари ходимлари Ватанга яна 1 миллион пуд дон топириш, қишлоқ хўжалик мажбуриятларини ҳам бажардилар, ғалла ўриш-ёғишнинг янги кўнлар ичда тугаллайдилар, ҳар гектаридан камда 28 центнердан пахта етиштириш учун қатъий билан кураш олиб бордилар, кузги экинлари, экинчи ўз вақтида ўтказилди, моллар учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрлайдилар, чорва моллар қишлоқига намунали тайёргарлик кўрадилар ва интенсификация асосида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари янгида кўсалтирадилар, деб ишонч билдирадилар.

Чироқчи ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Б. МИЛАНОВ ва
Партия комитетининг секретари ўртоқ П. ҚУРБОНОВ ва
Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Б. ТИЛОВОВ ва

Чироқчи ишлаб чиқариш бошқармаси колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Усельхозтехника» бирлашмасининг ходимлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Никита Сергеевич Хрушчевнинг дон етиштириш кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, давлатга дон сотиш юзасидан олган мажбуриятларини мuddатидан илгари — 16 июлда бажариб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Қабул пунктларига икки миллион пуддан ортиқ дон етказиб берилди.

Бошқарма колхоз ва совхозлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 525 минг пуд дон сотишга аҳд қилдилар.

Давлат омборига 711 минг пуд дон топишган Охунбобоев номили, 579 минг пуд дон етказиб берган «Кўк дала» совхозлари, 131 минг пуд дон топишган «Марксизм», 106 минг пуд дон топишган Охунбобоев номили колхозлар ва бошқа хўжаликлар дон етиштириш кўпайтириш учун курашга катта ҳисса қўшдилар.

Колхоз ва совхозлар давлатга қорақўл тери, пилла, тухум топириш йиллик планларини, гўшт ва сут топириш ярим йиллик планларини муваффақиятли бажардилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Чироқчи райони колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, ишлаб чиқариш бошқармаси ва «Усельхозтехника» бирлашмаси ходимларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси билан қизғин табриклайди ва улар давлатга яна 525 минг пуд дон топириш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажардилар, ўриш-ёғишнинг тезроқ тугаллаш учун барча чораларни кўрадилар, кузги дон экинларини ўз вақтида экиб олдилар, чорва моллар қишлоқига яхши тайёргарлик кўрадилар, пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар ва республика ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллигини гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планларини бажариш билан нишонлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Олам янгиликлари

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

СССР Олий Советининг сессияси тўғрисида жаҳон жамоатчилигининг фикри

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

«Руде право», «Права», «Земельские новости» газеталари ва Чехословачиянинг бошқа марказий газеталари СССР Олий Совети сессиясининг ишига катта эътибор бермоқдалар. Сессия муҳоммасига тақдим этилган қонуни лойиҳалари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг меҳнаткашларга турмуш даражасини ошириш тўғрисида қилган таъминотларини кўрсатади, деб ёзда «Руде право» газетаси.

«Земельские новости» газетаси қўйилганларни таъкидлайди: Янги қонуни лойиҳаларининг қабул қилиниши совет ҳалқининг турмуш даражасини янада ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

ЮГОСЛАВИЯ

«Войска» газетаси қўйилганларни қай қилади: Сессия муҳоммасига тақдим этилган қонуни лойиҳалари қиссон тўғрисида ҳам муҳим қилиниши ва аҳолининг моддий ҳамда маданий савиясини оширишнинг биринчи ўринга қўйган КПСС XX ва XXII съездалар белгилаган сивасини амалга ошири боришдан иборат. Ҳар иккала қонуни лойиҳаси, деб уқтириб ўтати газета, имитионий-иқтисодий ва сивсий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир.

ИНДОНЕЗИЯ

ТАСС ва АПН мухбирлари Индонезия парламентининг бир қанча аъзолари билан учрашдилар ва Н. С. Хрушчевнинг докладида совет ҳалқининг моддий фаровонлигини янада ошириш юзасидан белгилаган чоралар тўғрисида ўз фикрларини айтиб бериш учун улардан айтимо қилдилар.

Парламент раисининг ўринбосари Субанто бундай деди: «Халқнинг фаровонлигини ошириш кўнчилди воқеалар. Сизнинг программангизда кўнча таъсирот қолдирилди ва биз, индонезлар, уни эъ қилишимиз билан кўнчи олдик. Биз ишчиларнинг бахт-саломати учун қилинган ҳамма ишларни таъриқлаймиз». Қишқ Зонда ороларидан сайланган парламент депутаты Хоки Жумхур Хаким қўйилганларни таъкидлади: «Совет ҳалқининг турмушини яхшилаш юзасидан совет бош вазирини Хрушчев баён қилиб берган программа муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бошқа халқлар учун, жумладан, Индонезия учун ҳам ўнган бўла олади. Бу—Советлар мамлакатининг ҳақиятчан ҳам буюк ютуғидир».

ФИНЛЯДИЯ

СССР Олий Советининг сессияси Халқининг газеталарининг диққат марказида турибди. Газеталар Н. С. Хрушчев доклади.

У ТАН НЬО-ЙОРКДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

НЬО-ПОРК. 15 июль. (ТАСС). Ўйлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Тан Гарбий Европада, Ўйлашган Араб Республикаси, Бирмага ва Совет Иттифоқига қилган катта сафарининг биринчи пункти бўлган Женевага бугун учиб кетди. У Тан Женевада ЮНЕСКОнинг 37-сессиясида ҳозир бўлиб, сўнгги бу ерда 16 июлда Қўриқрага боради, бу ерда Африка давлатлари ва ҳукуматлари бонлиқларининг конференциясида ҳозир бўлади. 21 июлда у Парижга бориб, президент де Голль билан учрашади. У Тан Франциядан Лондонга бориб, Англия ҳукумати билан музокара олиб боради, 24 июлда эса ўз ватани бўлган Бирмага боради.

Сўнгги Ўйлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Совет ҳукуматининг тақлифига биноан расмий визит билан Москвага боради.

Москвага қилинмоқчи бўлган сафар 28 июлдан 31 июлга қадар давом этади.

ЁШЛАР ИЖОДИДАН

ХАЛҚИМ

Халқим,
Зина эрур сенга чўқилар,
Поёнсиз водийлар сен ёзган қанот,
Шу саёб сен учун олқини ўқилар,
Шу саёб меҳриндан ишлар номинот,
Ойларинг сиздан бошининг, халқим,
Мангалайнинг ўшандан бўлади яририном,
Бахтингдан бахтёр кўшадим,
Халқим,
Қалбим бўларингга нур тўқидим,
Чироқ,
Бошланди ўшандан кўнча парвозинг,
Бошининг кўтардинг осмонга,
Халқим,
Ҳатто самоларга етди овозинг,
Доғрунинг таратдинг махонга,
Халқим.

Юмсалқин сингари турасан юмсал,
Ҳамоҳанг жаранглр номингга парвоз,
Арзийди пойингга тоғлар наф бунса,
Арзир оқеанлар бўлса поёндоз,
Қўларинг қанчалар тег юлаудоз,
Она кўчон сенга мовий осмон,
Нилванг жилва қилар кўш юзидо,
Кўш бир гулданлар уради хандон,
Дерлар нсангирлар ерин киме,
Кимедан ериминг қадди ёғуси,
Ойингдан қайтадан яралар дуче,
Ойинг истинбонинг тини кўзуси,
Таалақуб эмасдир тебрасида қалбим,
Меҳринг денгизига қайиқдан қалса,
Буюкли сингари мангулик халқим,
Коммунизм касрини кўрувчи халқим!

РУБОЙЛАР

Бўйсанг дарё жиполалиб, юш уриб оқ,
Тулкин оғиб, қирқиларга тўш уриб оқ,
Она меҳри мисли бир тўбсиз денгиз,
Шу денгизга таъзим ила бош уриб оқ.

Айтчи, гулсиз, бўлбўйсиз чаманин кўрган борми?
Инжу, дурбиз 6 дарё, ўсимон кўрган борми?
Зарралар сиймасида муҳаммас минг-минглаб тоғ,
Дўсту ёрсиз, кимсиз инсонини кўрган борми?

Жаҳонгашта сайёх айли забот этади,
Танрибанор дехон қўлни забот этади,
Она дарё албат қуйилар денгизга,
Дил тоза киши дини забот этади.

Хар қачон меҳрибон, дилдор жонон яхши,
Ақлу меҳри беиёс вафодор инсон яхши,
Булут бўлмайд ҳеч қўшили осмонда,
У билан кечган умр, маънодор он яхши.

Ёшлар нексадди доно, гафу ғуссадан йироқ,
Бобо бошдан кечирган ақил қиссадан йироқ,
Нексаларимиз ёшдан кўнган, юзда табассум,
Чинор сифат қаримас — доим ҳасадан йироқ.

Тошмамат РҶЗИНОВ.

ҚУШ БИЛАН ИЛОН

Яйратган тинч қушлар,
Сайраган тинч қушлар,
Чирқираб қолдилар бирдан:
Эд, завада, айқол бу ерда!
Лиллалатди шунда Илон тилини:
«Биров келса, бил ки шер, деддилар,
Тазлим этиб, уй тўн бер, деддилар,
Анлаған ахишроқ,
Сирти ола, аямо ичим сўтдек оқ,
Ким қанақа, билмиг аввал дилини!
Атай сизга қизматини қўриб эл,
Келиб эдим баюлардан саҳлаб деб...»
«Енгилу қор дивагандек булутсиз,
Бизга асо дўст бўлмассон, субутсиз!»
Эсимизда дўст бўлалик, деганинг,
Сўнгера мурғак боламизни еганинг.

Яйқол, илдонли!
Мурдор Илон вишалади, жиллади,
Писанд қилмади.

Қушларнинг-чи, қайида қони!
Ва ёйрилиб бирдан човут содидилар,
Қўларини чўқиб, ғайб олдилар,
Халқлар қолмас гафлатда,
Ким дўсту ким душман, билар албатта.

Яян ҚУРБОНОВ.

Гизенга озод қилинди

ПАРИЖ. 16 июль. (ТАСС). Франс пресс агентлигининг мухбири Леопольд-Вилдан хабар беради: Антуан Гизенга торьмалдан озод қилинганлиги тўғрисида расмий ахборот Конго пойтахтида эълон қилинди.

Редактор ўринбосари
Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосари — 27914, 29323, Масъул секретари — 34455, Масъул секретари ўринбосари — 27283, Партия турмуши — 33469, 27221, Пропаганда — 31226, Сановат, қурилиш ва транспорт — 34780, Совет қурилиш — 33258, Қишлоқ хўжалик — 27604, Адабиёт ва санъат — 32036, 27221, Фан, мактаб ва олий ўқу юрталари — 34451, Махаллий ахборот — 32347, Оммавий ишлар ва кўнлар — 29003, 33551, Иллюстрация — 34524, Стенография — 27343, Эълонлар — 28142, Коммунар — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Халқини Ўзбекистони» ёйришган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 02388.

«ПРАВДА ВОСТОКА»

КҮЧАСИ, 26-УЙ.

ТОНИ

ХОШИМОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдилади.

ИНДЕНС — 64543. № 5 — 165.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида
18.00 «Ғуна» журнали саҳифаларида.
18.25 Телевизион анималар.
18.45 Врач суҳбати.
19.05 «Волга музизаси», Телефильм; 19.30 — А. Зипонковнинг «Таъзим» ҳикояси асосида телевизион композиция.
20.00 Эштинтиришлар программа-си.
Рус тилида:
20.10 Телевизион анималар.
20.30 «Сува ақтёт бўл», Илмий-оммабон фильм.
20.45 Халқ контроли қарангата.
21.05 «Музанин тинглаб...» шик-лидан либретто ҳақида суҳбатли концерт.
21.45—23.05 «Эттин нетганда», Киноповест.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида
18.00 Болалар учун «Аюбий уйиқонлар».
18.20 «Волга соҳилдаги Саратова», Хўжалик фильми.
18.30 Республиканинг шонли юслиғига аталган янги кинолар.
18.50 «Янги белги», Илмий оммабон фильм.
19.10—20.40 Чехословачия телевидение студияси ишлаган фильм-концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/VI да Фауст, 18/VI да Флория Тоска, МУКМИН НОМЛИ ТЕАТРИНГ ЕЗГИ ВЕНОСИДА — Оғажий номили Хоразм театрининг хайрашув гастроллари — 17/VI да Сўғи хон, 18/VI да Ошқ Ғариб ва Шоҳсанам.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Крепостной антриса — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 20 ИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (1 ва 2-қалда), «ВОСТОК» (қушдуз ва кечурун), «СПУТНИК» (муфт соатларда).

Мулло махфия — «ВАТАН», «МИР», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ЧАЙКА» (қушдуз ва кечурун), НАВОИЙ номили (қушдуз соат 1-қалда), «СПУТНИК» (тоғ соатларда).

Италияча қўйди-қинди — «ВАТАН» (неч соат 10 да), Шоҳсанам ва Ғариб — НАВОИЙ номили (қушдуз ва кечурун), Антоша Рибич — «ЮЛДУЗ» (қушдуз соат 5, неч 7 ва 9 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(неч соат 9-10 минут ва 10 қинди)
Мулло махфия — «ВАТАН», «ФЕСТИВАЛЬ», «ШАРҚ», «РАКЕТА», «Хор табака (1 ва 2-серия) — «ОКТАВР».

Крепостной антриса — НАВОИЙ номили, КАФАНОВ номили, «ПАХТАКОР», Италияча қўйди-қинди — «ХЕВА», ФРУНЗЕ номили.

Банда иловчи қиз — «САЛОТ», КИРОВ номили, Қатий яим — ТЕЛМАН номили, Эски Чинагада — «УДАРНИК», Дон Сезар де Базан — «1 МАЙ», Икин яшанба — ПУШКИН номили.

Гизенга озод қилинди

ПАРИЖ. 16 июль. (ТАСС). Франс пресс агентлигининг мухбири Леопольд-Вилдан хабар беради: Антуан Гизенга торьмалдан озод қилинганлиги тўғрисида расмий ахборот Конго пойтахтида эълон қилинди.

Редактор ўринбосари
Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосари — 27914, 29323, Масъул секретари — 34455, Масъул секретари ўринбосари — 27283, Партия турмуши — 33469, 27221, Пропаганда — 31226, Сановат, қурилиш ва транспорт — 34780, Совет қурилиш — 33258, Қишлоқ хўжалик — 27604, Адабиёт ва санъат — 32036, 27221, Фан, мактаб ва олий ўқу юрталари — 34451, Махаллий ахборот — 32347, Оммавий ишлар ва кўнлар — 29003, 33551, Иллюстрация — 34524, Стенография — 27343, Эълонлар — 28142, Коммунар — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Халқини Ўзбекистони» ёйришган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 02388.

ИНДЕНС — 64543. № 5 — 165.